

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ
акциядорларига

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» Aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА

Ўрнатилган акциядорлар!

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ Кузатув кенгашининг 2024 йил 04 мартдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 27 март куни Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Навоий, 39 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2024 йил 19 март** ҳолатига тузилади.

Кун тартиби:

- 1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.*
- 2. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.*
- 3. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш тўғрисида.*
- 4. Жамият фаолиятининг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.*
- 5. Жамият томонидан 2023 йил якунлари бўйича кўрилган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд тўлаш тўғрисида.*
- 6. Жамиятнинг Бош директори ваколатини узайтириш тўғрисида.*
- 7. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда аффилиланган шахслар билан жорий хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимларни олдиндан маъқуллаш тўғрисида.*
- 8. Жамиятнинг 2024 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий ташқи аудит текширувидан ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.*

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Навоий, 39 уй бўйича жойлашган «ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ нинг биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: info@ariainsurance.uz.

Телефон: (71) 202-88-88.

Бош директор

М.Р.Халилов